

**ТИНТУВ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Муродов Бахтиёржон Баходирович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, юридик
фанлар доктори, профессор.*

Хомидов Воҳиджон Адхамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.

Аннотация: *Ушбу мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида конституциявий нормаларнинг устуворлигини таъминлаш, тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш асослари ва процессуал тартибини такомиллаштириш орқали процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилмаслигига эришиш, шунингдек, юртимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларнинг мақсади ҳамда хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили асосида тинтув тергов ҳаракатини ўтказишга санкцияни прокурордан судга ўтказиш зарурати асослантириб берилган.*

Калит сўзлар: *тергов ҳаракати, тинтув, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, қарор, санкция.*

**ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОИЗВОДСТВА РОЗЫСКА И
СЛЕДСТВИЯ**

Аннотация: *В данной статье на стадии обращения в суд, обеспечения приоритета конституционных норм, совершенствования оснований и процессуального порядка проведения следственно-розыскных мероприятий не будут нарушены права и свободы участников процесса, а также целью проводимых в нашей стране судебных реформ и розыскного расследования на основе анализа законодательства зарубежных стран действие обосновывается необходимостью передачи санкции от прокурора в суд.*

Ключевые слова: *следственное действие, обыск, следователь, следователь, прокурор, судья, постановление, санкция.*

PROSPECTS FOR IMPROVING THE CONDUCT OF SEARCH AND INVESTIGATION

Annotation: *In this article, at the stage of bringing the case to the court, ensuring the priority of the constitutional norms, improving the basis and procedural order of the search investigation, the rights and freedoms of the participants of the process will not be violated, as well as the purpose of the judicial reforms carried out in our country and the search investigation based on the analysis of the legislation of foreign countries and also*

the action is justified by the need to transfer the sanction from the prosecutor to the court.

Key words: *investigative action, search, investigator, investigator, prosecutor, judge, decision, sanction.*

Сўнгги йилларда юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократик асосда ислоҳ этиш ва эркинлаштириш борасида кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилмоқда. Сир эмаски, инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига бўлган муносабат, унинг ҳуқуқий ҳимояланганлигининг юқори даражаси — мамлакатда суд ҳокимияти шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш функциясини самарали амалга ошираётганлигида кўринади²⁵. Зеро, ҳар қандай демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида “Тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказамиз. Энди терговчи жиноятга алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмайди. Ахир, биз хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш бўйича озмунча ҳаракат қиляпмизми? Бундан буён мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади”²⁶ дея қайд этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ, “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас”.

Шунингдек, Конституциянинг 19-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас²⁷.

Жиноят-процессуал муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 ва 27-моддалари талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, 2017 йил 29 март куни Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

²⁵ <https://jizzax.adliya.uz/main/uz/publikatsii/detail.php?ID=17328>

²⁶ <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

²⁷ <https://lex.uz/docs/20596>

хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-421-сон Қонуни²⁸ қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди. Бу эса ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилиб, далилларга холисона баҳо берилишига асос яратди²⁹.

Айнан мазкур ҳолатда табиий бир савол туғилади. Нима учун қонун чиқарувчи, Конституциявий нормаларни турли хил талқин этилишига йўл қўйиб бермоқда? Яъни, шахсларнинг “ёзишмалар сирини ошкор қилиш мумкин эмас”лигига доир ҳуқуқини чеклаш прокурорлардан судларга олиб берилган бир пайтда, шахснинг телефондаги сўзлашувларини сир сақлаш, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш, турар жойи дахлсизлиги, турар жойига кирилиши, у ерларда тинтув ўтказилиши ёки кўздан кечирилишига доир ҳуқуқларини чекланишига ҳали-ҳануз прокурорларнинг санкцияси талаб этилаётганлиги тушунарсиз ҳолатдир. Зеро, юқорида қайд этилганидек, Конституциянинг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Айнан мазкур масала бўйича хорижий мамлакатлар қонунчилиги ўрганилганида ҳам ягона ёндашув мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Европанинг деярли барча давлатларида уй жойда тинтув ўтказиш фақат суднинг рухсати билан амалга оширилади. Фақатгина Венгрия давлатида тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш учун ҳали-ҳануз прокурорнинг санкцияси асосида амалга оширилмоқда³⁰.

Озарбайжон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 243-моддаси³¹, Арманистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддаси³², Молдова Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 125-моддаси³³, Тожикистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 192-моддаси³⁴, Қирғизистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 212-моддасига³⁵ мувофиқ тинтув фақат суднинг розилиги ёки махсус ажримига мувофиқ ўтказилиши мумкин.

Шу билан бирга, Туркменистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 270-моддаси³⁶, Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал

²⁸ <https://lex.uz/docs/3146366>

²⁹ <https://sud.uz/sud-huquq-islohotlari/>

³⁰ <https://eucrim.eu/articles/admissibility-evidence-criminal-proceedings-eu/>

³¹ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420280#pos=3511;-20

³² <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docid=82645>

³³ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=1786;-46

³⁴ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30594304#pos=1755;-52

³⁵ <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112308>

³⁶ <http://www.turkmenbusiness.org/node/124>

кодексининг 210-моддаси³⁷ ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 161-моддасига³⁸ мувофиқ тинтув тергов ҳаракати терговчининг асослантирилган қарорига биноан, прокурорнинг санкцияси билан ўтказилади.

Эътиборлиси, Россия Федерацияси ҳамда Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари қонунчилигида тинтув тергов ҳаракати шахснинг ўзида, уй жойида ёки бирор шахсда ўтказилиши лозим бўлсагина, тегишли суднинг рухсати талаб этилади. Бошқа ҳолатларда эса, хусусан хизмат, ишлаб чиқариш биноти ёки инсон яшамайдиган ўзга жойда ўтказиш прокурорнинг санкцияси асосида амалга оширилиши мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам юқорида қайд этилганидек, Конституциянинг 27-моддасида шахснинг турар жойи дахлсизлиги кафолатланиб, ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигида Россия Федерацияси ҳамда Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари қонунчилигида белгилангани каби, тинтув тергов ҳаракати шахснинг ўзида, уй жойида ёки бирор шахсда ўтказилиши лозим бўлсагина, тегишли суднинг рухсати асосида амалга ошириш тартибини жорий этиш лозимлигини кўрсатади. Зеро, гарчи тинтув тергов ҳаракати процессуал қонунда назарда тутилган бўлсада, лекин уни самарали ўтказиш учун тергов органларидан тезкорликни ҳамда ўтказиш вақти ва жойи ҳақидаги маълумотларни бошқа процесс иштирокчиларига ошкор бўлмаслигини тақозо этади. Акс ҳолда, мазкур тергов ҳаракатининг ўтказишдан маъно-мазмун қолмайди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳат шундаки, амалдаги ЖПКнинг 148¹ ва 166¹-моддаларига мувофиқ, мурдани эксгумация қилиш ҳамда почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш бўйича суд мажлислари ёпиқ тартибда ўтказилсада, уларда прокурор, зарурат бўлган ҳолларда терговчи, суриштирувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи, қонуний вакил ёки мурдаси эксгумация қилиниши лозим бўлган вафот этган шахснинг яқин қариндошларидан бири иштирок этади.

Бу эса, юқорида қайд этилган тергов ҳаракатлари суд-тергов амалиётида жуда ҳам кам ўтказилсада, тергов идоралари ходимларида кўплаб саволларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, мазкур масала юзасидан сўровнома ўтказилганида, унда иштирок этган респондентларнинг 80 фоизи фаолияти давомида мазкур тергов ҳаракатини умуман ўтказмаганлигини, 12 фоизи ўтказган бўлсада, лекин унинг натижа юзасидан иш учун муҳим бўлган маълумотларни олмаганлигини, 8 фоизи эса қонуннинг мазкур нормаси жиноят

³⁷ https://kodeksy-by.com/ugolovno-protsessualnyj_kodeks_rb/210.htm.

³⁸ <https://lex.uz/docs/111463>.

содир этган шахсларни фош этиш ва уларнинг айбини исботлашда тўсиқ бўлаётганлигини қайд этган³⁹.

Дарҳақиқат, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш бўйича суд мажлислари ёпиқ тартибда ўтказилсада, лекин уларда гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи ва қонуний вакилнинг иштирок этиши мазкур тергов ҳаракатини самарадорлигини йўққа чиқариши табиий бир ҳолдир. Чунки, мазкур мажлисда иштирок этиб, унинг ёки унга юборилаётган почта-телеграф жўнатмаларини хатланишини билган айбланувчи ўзига тегишли хулосаларни чиқариб, почта-телеграф орқали жўнатмаларни олиш ёки уларни юбориш фаолиятига чек қўяди.

Маълумки, суд-тергов амалиётининг таҳлили, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаларини бажариш, жумладан жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш ҳамда иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларга ойдинлик киритилишида тинтув тергов ҳаракати жуда муҳим аҳамият касб этади. Зеро айнан мазкур тергов ҳаракатини ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши жиноят иши доирасида кўплаб далилларни топилишига хизмат қилади.

Бу эса, тинтув тергов ҳаракатини ўтказишга санкцияни прокурордан судга ўтказишга доир процессуал тартибни ишлаб чиқишда жуда ҳам эътиборли бўлиш зарурлигини кўрсатади. Зеро, агар қонун чиқарувчи томонидан амалдаги ЖПКнинг 148¹ ва 166¹-моддалари мазмунида белгилангани каби, тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш бўйича суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи ва қонуний вакилнинг иштирок этишига рухсат бериладиган бўлса, суд-тергов амалиётида тинтувни почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш каби самарасиз тергов ҳаракатига айланишига олиб келади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида, тинтув тергов ҳаракатини ўтказишга суд томонидан рухсат берилиш процессуал тартибини қуйидаги мазмунда белгиланиши мақсадга мувофиқ:

159¹-модда. Тинтув ўтказиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш қарори

Шахснинг ўзида, уй жойида ёки бирор шахсда тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда суриштирувчи, терговчи тинтув ўтказиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш тўғрисида асослантирилган қарор чиқаради ва унга тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда прокурорга юборади.

Прокурор ушбу қарорни кўриб чиқиб, тинтув ўтказилишини асосли деб топса тинтув ўтказиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарорни ва унга илова қилинган ҳужжатларни судга юборади.

³⁹ <https://t.me/+4K2VLWYAu8NhZjhi>

159²-модда. Тинтув ўтказиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқиш

Тинтув ўтказиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказилаётган ҳудуддаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Агар қайд этилган судларнинг судьяси бўлмаса ёки тинтув ўтказиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ушбу қарор жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, вилоят судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг топшириғига кўра бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан кўриб чиқилади.

Тинтув ўтказиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор келиб тушганидан саккиз соатдан ошмаган муддатда ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Суд мажлисида прокурор, зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи иштирок этади.

Тинтув ўтказиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқишда прокурорнинг мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш зарурати борлигини асослантирувчи ахбороти эшитилади, сўнгра тақдим қилинган материаллар текширилади.

Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

159³-модда. Суднинг ажрими

Тинтув ўтказиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор кўриб чиққанидан сўнг судья тинтув ўтказишга розилик бериш ёки рад этиш ҳақида асослантирилган ажрим чиқаради.

Суднинг тинтув ўтказилишига розилик берганлиги ҳақидаги ажрим эълон қилинган вақтдан кучга киради.

Суднинг ажрими суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ижро этиш учун юборилади.

Суднинг тинтув ўтказилишини рад этиш ҳақидаги ажрими устидан у эълон қилинган вақтдан бошлаб ўн икки соат ичида прокурор томонидан апелляция тартибида протест киритилиши мумкин. Протест мазкур ажримни чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уни илова қилинган ҳужжатлар билан бирга саккиз соат ичида апелляция инстанцияси судига юборади.

Апелляция инстанцияси суди протест ва унга илова қилинган ҳужжатларни келиб тушган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқади.

Апелляция инстанцияси суди протестни кўриб чиқиб:

1) суднинг ажримини ўзгаришсиз қолдириш, протестни рад этиш;

2) суднинг ажримини бекор қилиш ва тинтув ўтказишга розилик бериш ҳақида ажрим чиқаради.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан протест киритилмайди.

Тинтув ўтказиш рад этилган ҳолларда такроран мурожаат этишга фақатгина тинтув ўтказиш учун янги асослар юзага келганда йўл қўйилади.

161-модда. Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш тартиби

Хизмат, ишлаб чиқариш биноти ёки инсон яшамайдиган ўзга жойда тинтув суриштирувчи ёки терговчининг асосланган қарорига биноти, прокурорнинг санкцияси билан ўтказилади.

Шахснинг ўзида, уй жойида ёки бирор шахсда тинтув фақат суднинг ажримига биноти ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув суднинг ажримсиз ёки прокурорнинг санкциясиз, суриштирувчи ёки терговчининг қарори асосида ўтказилиши мумкин. Лекин бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида тегишли прокурор санкцияси билан ўтказилган ҳолатлар бўйича прокурорга ҳамда суднинг ажрими билан ўтказилган ҳолатлар бўйича тегишли судга, ўтказилган тинтув билан боғлиқ зарурий материалларни илова қилган ҳолда хабар қилинади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчи ёки терговчининг прокурор ва судга юборган хабарномасида асосланганлиги лозим. Хабарноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

Прокурор ёки суд хабарнома ва ўтказилган тинтув билан боғлиқ зарурий материалларни олгандан сўнг уч кун муддат ичида тинтув қонуний ўтказилганлигига баҳо беради ва унинг қонуний ёки ноқонуний ўтказилганлиги юзасидан прокурор қарор, суд ажрим чиқаради. Тинтув ноқонуний ўтказилганлиги тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарилган ҳолларда, уни ўтказиш натижасида олинган далиллар номақбул деб топилади. Прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими суриштирувчи ва терговчига иш ҳужжатларига қўшиб қўйиш учун юборилади. Шунингдек суднинг ажрими прокурорга ҳам юборилади.